



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2011 йил 5 январь, № 3 (5170)

Чоршанба

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2010 йил 2 ноябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2010 йил 3 декабрда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги 754-ХII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 1, 38-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 6, 118-модда; 1997 йил, № 4-5, 126-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 536-модда) куйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **2-модда** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«**2-модда. Табиатни муҳофаза қилиш объектлари ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар**

Табиатни муҳофаза қилиш объектлари (ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, атмосфера ҳавоси) ифлосланишдан, бузилишдан, зарарланишдан, оқибат кетишдан, вайрон бўлишдан, йўқ бўлиб кетишдан, ноқиллона фойдаланишдан муҳофаза этилиши лозим.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар жумласига давлат қўриқхоналари, мажмуа (ландшафт) буюртма қўриқхоналари, табиат боғлари, давлат табиат ёдгорликлари, айрим табиий объектлар ҳамда мажмуаларни сақлаб қолиш, такрор қўпайтириш ва тиклаш учун мўлжалланган ҳудудлар, муҳофаза этиладиган ландшафтлар, айрим табиий ресурсларни бошқариш учун мўлжалланган ҳудудлар, давлат биосфера резерватлари, давлатлараро муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар кирди;

2) **45-модданинг биринчи қисми** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Қиқиндиларни аҳоли пунктлари ерларида, табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларига мўлжалланган ерларда ва тарихий-маданий аҳамиятга молик ерларда, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига, шунингдек табиатни муҳофаза қилиш объектларига ҳамда муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга зарар етказиш таҳдиди келиб чиқиши мумкин бўлган бошқа жойларда сақлаш ва бундай жойларга қўйиб ташлаш тақиқланади»;

3) **47-модданинг саккизинчи хатбошиси** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Табиатни муҳофаза қилиш объектлари ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг ҳуқуқий режими бузганида»;

4) **48-модданинг биринчи қисмидаги** «алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудларга» деган сўзлар «муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майда қабул қилинган «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги 837-ХII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 5, 221-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 4-5, 126-модда; 1998 йил, № 9, 181-модда; 2000 йил, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 12, 604-модда; 2009 йил, № 12, 472-модда) куйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **64-модда биринчи қисмининг биринчи жумласи** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Сув объектларида спорт ва хаваскорлик йўли билан балиқ овлашга рухсат берилади, давлат қўриқхоналари, табиат боғларининг ва давлат биосфера резерватларининг қўриқхонага айлантирилган зоналари ҳудудидagi сув объектлари бундан мустасно»;

2) **67, 68 ва 69-моддалар** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«**67-модда. Муҳофаза этиладиган сув объектлари**

Устувор экологик, илмий, маданий, эстетик, рекреация ва санитария-соғломлаштириш аҳамиятига молик сув объектлари ёки уларнинг айрим участкалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар деб эълон қилинади ва ҳўжали мақсадда фойдаланишдан чиқарилади.

68-модда. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар сувларидан фойдаланиш тартиби ва уларни муҳофаза қилиш чоралари

Давлат қўриқхоналари, табиат боғларининг ва давлат биосфера резерватларининг қўриқхонага айлантирилган зоналари сувларидан балиқ овлаш, ов қилиш, сув ўсимликлари ва организмларини йиғиш учун фойдаланиш, шунингдек бундай сувларнинг табиий ҳолатини бузувчи бошқа ҳаракатларни амалга ошириш тақиқланади.

(Давоми 2-бетда).



Қарор ва ижро

ИЛМУ МАЪРИФАТ МАСКАНИ

Бугун мамлакатимизда кутубхоналар марказлаштирилиб, соҳага ўз касбининг билимдонлари бўлган малакали мутахассислар жалб этилмоқда. Айниқса, Президентимизнинг «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»ги қарори соҳа ривожига муҳим аҳамиятга эга бўлаётди. Ушбу ҳужжатда белгиланган ваазифаларга мувофиқ, тизимни замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётди.

«TURON» ахборот-кутубхона маркази ҳам Тошкент вилоятидаги ана шундай йирик зиё масканларидан биридир. Ахборот-кутубхона маркази илмий универсал кутубхона негизинда ташкил этилган бўлиб, айна пайтда бу ерда 7 та бўлим фаолият кўрсатмоқда. Ушбу

масканда турли мавзулардаги 380 минг нусха, шунингдек, 4,5 минг нусха нодир ва ноёб адабиётлар сақланади. Улар орасида XIX ва XX асрларда нашр этилган маълумотномалар ҳамда ўлкашуносликка оид адабиётлар, шунингдек, XX аср бошларида чоп этилган газеталар ҳам бор.

(Давоми 4-бетда).

БОЛАЖОНЛАРГА БАЙРАМ ТУҲФАСИ

АНДИЖОН шаҳридаги мухташам Ёшлар марказининг тантаналар саройи «Президент арчаси» билан безатилди.
Ям-яшил, улугвор арча атрофида юзлаб болажонлар тўпланди.

Марказ Мехрибонлик уйлари тарбияланувчилари, хизмат бурчини ўташ чоғида ҳалок бўлган ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг фарзандлари билан гавжум бўлди. Вилоят ҳокими А. Усмонов болажонларни байрам билан қутлади. Шундан сўнг тадбир иштирокчиларига Президентимизнинг махсус совғалари улашилди.

Санъаткорлар ҳамда бадиий жамоаларнинг чиқишлари байрам шукухига шукух қўшди.

О. ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

САМАРҚАНД шаҳридаги Афросиёб меҳмонхонасида ўтказилган «Президент арчаси» тадбири кичкинтойларга олам-олам қувонч бағишлади.

Тадбирга Мехрибонлик уйлари, мактаб-интернатлар тарбияланувчилари, эҳтиёжманд оилалар фарзандлари таклиф этилди. Вилоятдаги бадиий жамоалар томонидан тайёрланган театрлаштирилган байрам томошалари тадбирга ўзгача файз бағишлади. Болажонлар байрамнинг рамзий мезбонлари — Қорбобо ва Қорқиз ҳамда турли эртақ қаҳрамонлари чиқишларини ўзгача мароқ билан томоша қилди. Байрам кечасида уларга Президент совғалари топширилди. Тадбирда вилоят ҳокими З. Мирзаев иштирок этди.

А. САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

УРҒАНЧ шаҳридаги Огаҳий номли вилоят мусикали драма театри биносидида «Президент арчаси» байрам тадбири ўтказилди.

Дастлаб кичкинтойлар учун тўкин байрам дастурхони ёзилди. Сўнгра театрлаштирилган томоша жажжи қалбларга ҳаяжонли таассуротлар олиб кирди. Кечада тадбир қатнашчиларига

Президент совғалари топширилди. Байрам тадбирида Хоразм вилояти ҳокими О. Оллабергенов иштирок этди.

О. РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Оилавий бизнес

Замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланган кўпжаб корхоналарда ишлаб чиқарилаётган юқори сифатли маҳсулотлар, ҳатто, хорижий давлатларга экспорт қилинаётди. Лекин барибир ички ва ташқи бозорда қўлда тўқилган гиламларга талаб юқори.

Ўзбек қизлари орасида гилам тўқишни билмайдиганлари деярли бўлмайд. Зеро, удумларимизга кўра, қизлар оила қуришдан олдин рўзғори учун зарур буюмларни, хусусан, гиламни ўзлари тўқишади. Шунинг учун маҳаллага тушган келинчақларга гиламларининг тўқилиши, безағига қараб ҳам баҳо берилади.

Салтанат гилам тўқишни болалик чоғидаёқ ўрганиб олган. Унинг хуна-

(Давоми 4-бетда).

МАРДЛАР БАЙРАМИ — МИЛЛИЙ БАЙРАМИМИЗ

14 январь — Ватан ҳимоячилари кунни мамлакатимизда миллий байрам сифатида кенг нишонланади.

Дунёда касблар кўп. Аммо Ватан ҳимоячиси бўлиш уларнинг ичида энг шарафлиқидир. Зеро, киндик қони тўқилган Ватанни, шу мустақил юртни кўз қорачигидек асраб-авайлаш ўз оиласини, шанини, ор-номусини ҳимоя қилиш демакдир.

Тинчлик ва осойиштагимиз посбонлари — ҳарбийлар байрами мамлакатимизда миллий байрам сифатида нишонланишида

шароитда мамлакатимиз ҳавфсизлигини, халқимизнинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш долзарб аҳамият касб этмоқда. Дунёнинг турли минтақаларида давом этаётган урушлар, ҳарбий қарама-қаршилик ва можаролар, терроризм хуружлари халққаро ҳавфсизликка жиддий таҳдид қилаётгани ҳеч кимга сир эмас. Мамлакатимиз осойишталигига раҳна солиши мумкин бўлган ана

Ватан ҳимояси — муқаддас бурч

теран маъно мужассам. Зеро, юртда тинчлик ва осойишталик барқарор, сарҳадларимиз мустаҳкам экан, кўнгилга шоду хурамлик сигади, байрамлар ярашади, эртанги кунга ишонч ортади.

...Ҳар кун эрталаб ишонч билан фарзандимизни боғчаю мактабга кузатамиз, ишга келамиз, яхши кайфият, хурсандчилик билан уйга қайтаемиз. Инсон ҳаётидаги бу бахтли онларнинг бош мезони тинчликдир. Бу ҳар соат, ҳар дақиқа ҳушёрликни қўлдан бермай, осмонимиз мусаффолиги, юртимиз осойишталигини таъминлаётган ҳарбийларнинг мардона меҳнати самарасидир. Шу боис ҳам Ватан ҳимоячилари байрами — мардлар байрами, барчамизнинг миллий байрамимиз.

Глобаллашув шиддатли тус олаётган бугунги

шундай ҳавф-хатарларни ҳар томонлама таҳлил этиш асосида Қуролли Кучларимизнинг салоҳияти ва қувватини юксалтиришга қаратилаётган эътибор ўзининг улкан самараларини кўрсатмоқда.

Истиқлол ҳар бир ўғлонга ўз Ватанида, ўзининг миллий армиясида хизмат қилиш имконини берди. Бугун қайси ота-она билан гаплашманг, фарзандининг армияга боришини истайди. Чунки улар Қуролли Кучларимизда хизмат қилаётган аскарнинг қандай қулай шарт-шароитда яшаётгани, армияда юксак жисмоний, ақлий ва интелтуал салоҳиятни эгаллаш, ҳарбий хизматни ўтаб қайтган ўғли ўқш ёки ишга киришга қўлбағ имтиёзларга, алоҳида раҳбарлик ва эътиборга эга бўлишини яхши билади.

(Давоми 3-бетда).

Мамнуният билан айта оламани, ўтган йили ҳаётимда унутилмас воқеалар кўп бўлди. Масалан, «Аёллар кенгаши» республика жамоат бирлашмаси томонидан тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган грантга сазовор бўлдим. Табиийки, бундай рағбат боис иш фаолиятимни янада кенгайтирдим. Эндликда ана шундай имкониятдан унумли фойдаланиб, юртимиз равнақи йўлида бор кучимни аямай меҳнат қилиш ниятидаман.

ДАХЛДОРЛИК ТУЙҒУСИ

Ҳашиликнинг муқофоти фақат яхшиликдир, деганларидек, мамлакат тараққиётига муносиб ҳисса қўиши фикри билан яшаган инсон ҳеч қачон кам бўлмайди. Шунинг учун ҳам Президентимизнинг Янги йил табригидаги ана бу сўзларни эшитиб, ғурурланиб кетдим: «Олдимизга қўйган эзгу мақсадларга етиш бўйича мамлакатимиз қандай юксак натижаларга эришган бўлса, ҳеч шубҳасиз, миллати, тили, дини ва этникдоридан қатъи назар, Ўзбекистонимизни ягона Ватан деб, ўзини аямасдан хизмат қилаётган ҳар бир инсон — қайси соҳада, қайси вазифани бажармасин — бу ютуқларда менинг ҳам ҳиссам бор, деб бошини банд қўриб юришга албатта ҳақлиқдир».

Дил сўзи

Зеро, эл-юрта дахлдорлик ҳисси кишини янги марраларни забт этишга, одамларга наф келтиришга, яхшиликлар қилишга ундайди. 2010 йилда республика миқёсида ўтказилган танлов ва кўргазма-ярмаркаларда қатнашиб, бир қатор совринларни қўлга киритдим. Албатта, давлатимиз раҳбарининг «Халқ бадиий хунарамандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармони иш фаолиятимизнинг унумли бўлишига муҳим дастуриламалга айланган.

Ҳозир шоғирдорим билан бирга тиккан қашта, зарчопон, зардўқиллар Малайзия, Корея Республикаси, Англия, Ҳиндистон сингари ўнлаб мамлакатларда ҳам ўз харидорини топаётти. Хориқликларнинг ҳавасини уйғотган бу каби маҳсулотларимиз, эътироф этиш керакки, аждодларимизнинг бизга қолдирган бебаҳо бойлиқидир.

Жорий йилнинг Президентимиз томонидан мамлакатимизда «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилиниши эса, биз сингари хунараманд тадбиркорлар иши янада равнақ топишида муҳим омил бўлиши, шубҳасиз. Мақсадимиз, миллий кадриятларимизни оламро кенг тараннум этиш.

Фароғат ЭРҒАШЕВА,
тадбиркор.

Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани

ЭЪТИБОР ВА РАҒБАТ — ТАРАҚҚИЁТГА КАФОЛАТ

Халқимиз азалдан бой хунарамандчилиги билан шухрат тاراتган. Республикаимизда истиқлол йилларида хунарамандчиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани туфайли унинг унутилаёзган кўпжаб тури қайта тикланди.

Аслида бадиий хунарамандчиликнинг кўпжаб турлари, хусусан, гиламчилик мамлакатимиз ҳудудида вужудга келган, ривожланган ва кейинчалик бошқа жойларга тарқалган. Бундай дейишимизга асослар етарли, албатта. Маңбаларда келтирилишича, Урта Осиё, хусусан, Ўзбекистон

заминида бу соҳа қадимдан тараққий этган. Хоразмдаги археологик қазिशмалар пайтида милоддан аввалги биринчи минг йилликка мансуб гилам намунаси топилгани бунинг ёрқин далилидир. Бугунги кунда юртимизда гиламчилик санъати торабора ривожланиб бормоқ-

мандчиликнинг бу турига меҳри бўлақалиги боис бувисининг ёнидан сира нари кетмас, биргаллашиб жун титар, йигирар, қалава қилиб бўяра, сўнгра гилам тўқишга чоғланар эди. Ота-онаси қизларининг бу хатти-ҳаракатларини шунчаки ҳавасга йўйиб, аввалига унчалик эътибор беришмади. Мустақил равишда гилам тўқиб, уни янги безаклар билан бойитганини кўргач, қизалоққа ишлаши учун муносиб шароит яратиб беришди.

(Давоми 4-бетда).

Тадбиркорлар учун яна бир имтиёз

Янги — 2011 йилдан бошлаб мамлакатимизда ишбилармон ва тадбиркорлар учун ягона солиқ тўлови ставкаси

7 фоиздан **6** фоизга туширилди.

Бу, шубҳасиз, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили муносабати билан давлатимиз томонидан бундай ҳўжалик юритувчи субъектларга берилган яна бир имтиёздир.

Бир рақам шарҳи

Қисқа сатрларда

• Наманган вилоятидаги корхоналар томонидан ўтган 2010 йилда 150 миллион АҚШ долларидан зиёд экспорт амалиётлари бажарилди. Бу кўрсаткич 2009 йилдагига нисбатан 1,7 баробарга кўпдир.

• Навоийлик тадбиркор Ирода Ражабова 25 миллион сўмлик маблағ эвазига «Учқуду импелъ» кичик корхонасини ташкил қилди. Ҳозир бу ерда 20 хилдан зиёд кийим-кечак маҳсулотлари тайёрланмоқда.

• Андижон шаҳри ҳамда Пахтаобод, Қўрғонтепа ва Жалақудук туманларида асал маҳсулотлари ярмаркаси иш бошлади. Қарийб бир ой давом этадиган ушбу тадбирда вилоятдаги барча асаларчилик фермер ҳўжаликлари ўз маҳсулотлари билан қатнашаётди.

• Янги йил байрами арафасида Шўрчи тиббиёт колледжи ўқувчилари замонавий кулайликдан баҳраманд бўлдилар. Бу ерда 270 миллион сўмлик маблағ эвазига 50 ўринли ётоқхона биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

• Конликўл туманилик тадбиркор Комилжон Жуманиёзов сазй-ҳаракати билан туман марказидаги қаровис бино мукамал таъмирланиб, умумий оқватланиш мажмуасига айлантирилди. Бунинг учун 50 миллион сўм сарфланди.

• Олтиариқ туманидаги «Ишонч» масъулияти чекланган жамияти Янгиқўрғон қишлоғида нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган янги технологик линияни ишга туширди. Айна пайтда бу ерда қунига 3 тоннадан зиёд беш турдаги нон маҳсулотлари тайёрланиб, аҳоли дастурхонига тортиқ қилинмоқда.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

(**Давоми. Боши 1-бетда**).

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар суварига оқинди сувларни оқизишга, шунингдек уларда гидромелиорация ишларини ўтказишга ушбу Қонунда белгиланган талабларга риоя қилинган ҳолда йўл қўйилади.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар сувларидан фойдаланиш тартиби ва уларни муҳофаза қилиш режими қонун ҳужжатларида белгиланади.

69-модда. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг сув объектларини олиб қўйиш

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг сув объектларини олиб қўйишга зарур бўлган алоҳида ҳолларда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва ваколатли органлар томонидан йўл қўйилади».

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда) куйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **202-модда биринчи қисмининг диспозициясидаги** «максус қўриқланадиган табиий ҳудудлардаги» деган сўзлар «муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлардаги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **204-модданинг:** **номи** ва **биринчи қисмининг диспозицияси** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«204-модда. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг режимини бузиш

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг режимини бузиш қўп микдорда зарар етказилиши ёки бошқача оғир оқибатларга сабаб бўлса»;

иккинчи қисмининг диспозициясидаги «Алоҳида» деган сўз чиқариб ташлансин.

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5–6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4–5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда) куйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **82-модданинг:** **номи** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«82-модда. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг режимини бузиш»;

биринчи қисми диспозициясининг ўзбекча матнидаги «тартибини» деган сўз «режимини» деган сўз билан алмаштирилсин;

иккинчи қисми диспозицияси куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Мажмуа (ландшафт) бюуртма қўриқхоналари, табиат боғлари, давлат табиат ёдгорликлари, айрим табиий объектлар ҳамда мажмуаларни сақлаб қолиш, такрор қўпайтириш ва тиклаш учун мўлжалланган ҳудудлар, муҳофаза этиладиган ландшафтлар, айрим табиий ресурсларни боқариш учун мўлжалланган ҳудудлар, давлат биосфера резерватлари ҳамда давлатлараро муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар режимини бузиш»;

2) **261-модда иккинчи қисмининг тўртинчи хатбошисидаги** «давлат қўриқхоналари ва давлат миллий табиат боғларининг муҳофаза қилиш ходимлари» деган сўзлар «давлат қўриқхоналарининг, мажмуа (ландшафт) бюуртма қўриқхоналарининг, табиат боғларининг, давлат биосфера резерватларининг қўриқлаш ходимлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3) **284-модданинг учинчи қисмидаги** «алоҳида қўриқланадиган табиий ҳудудларнинг» деган сўзлар «муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 23 сентябрда қабул қилинган **«Ер ости бойликлари тўғрисида»**ги 2018–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 13 декабрда қабул қилинган 444–II-сонли Қонуни билан тасдиқланган тахририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 1, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 12, 604-модда) **10-моддасининг иккинчи қисмидаги** «Алоҳида» деган сўз чиқариб ташлансин.

6-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1996 йил 26 апрелдаги 232–I-сонли Қарори билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тўғрисидаги низомага** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 5–6, 70-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2002 йил, № 1, 22-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 9–10, 149-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 12, 604-модда; 2009 йил, № 12, 463-модда) куйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **12-банднинг:** **еттинчи хатбошисидаги** «алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга доир низоmlарини» деган сўзлар «муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисидаги низоmlарини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўн иккинчи хатбошиси куйидаги тахрирда баён этилсин: «мамлакатда қўриқхоналарга доир ишга раҳбарлик қилади, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси билан биргаликда муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг давлат кадастрини юритади, янги муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ташкил этиш тўғрисида тақлифлар киритади»;

2) **13-банднинг «к» кичик бандидаги** «алоҳида» деган сўз чиқариб ташлансин.

7-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрда қабул қилинган **«Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»**ги 543–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 1, 12-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда) куйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **11-модданинг иккинчи қисми** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Давлат қўриқхоналарида, давлат табиат ёдгорликларида, табиат боғларининг ва давлат биосфера резерватларининг қўриқхонага айлантирилган зоналарида ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланишга йўл қўйилмайди, илмий мақсадларда фойдаланиш бундан мустасно. Ўзбекистон Республикаси Қизил китобиغا киритилган камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган ўсимлик турларини тайёрлаш (йиғиш) ман этилади»;

2) **20-модданинг олтинчи хатбошиси** куйидаги тахрирда баён этилсин:

8-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрда қабул қилинган **«Хайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»**ги 545–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 1, 14-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2009 йил, № 12, 472-модда) **30-моддасининг еттинчи хатбошиси** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ташкил этиш».

9-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган 598–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5–6, 82-модда; 2003 йил, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 9, 90-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 12, 608-модда; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 12, 472-модда) куйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **5-модданинг олтинчи хатбошисидаги** «алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудлар эгаллаган ерлар» деган сўзлар «табиати муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар ва тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **8-модданинг 4 ва 5-бандлари** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«4) табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш ва рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар — муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар эгаллаган, устувор экологик, илмий, маданий, эстетик, рекреация ва санитария-соғломлаштириш аҳамиятига молик ерлар;

5) тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар — моддий маданий мерос объектлари жойлашган ерлар»;

3) **12-модда тўртинчи қисмининг 4-бандидаги** «алоҳида» деган сўз чиқариб ташлансин;

4) **25-модда:** **иккинчи қисмидаги** «шунингдек алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудларнинг ерларида» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

куйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:
«Табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларига мўлжалланган ерларда ва тарихий-маданий аҳамиятга молик ерларда қидирув ишларини амалга оширишга рухсатнома қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва ваколатли органлар томонидан бериллади»;

учинчи қисми тўртинчи қисм деб ҳисоблансин;
5) **29-модда биринчи қисмининг тўққизинчи хатбошисидаги** «табиат, тарих ва маданиятга таалуқли давлат ёдгорликларини» деган сўзлар «давлат табиат ёдгорликларини, шунингдек моддий маданий мерос объектларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **59-модданинг 6-банди** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«6) муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг ерлари»;

7) **9-60б** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«9-60б. Табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар ва тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар

71-модда. Табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар ва тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар таркиби

Табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш ва рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар эгаллаган ерлардан иборат бўлади.

Тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар моддий маданий мерос объектлари жойлашган ерлардан иборат бўлади.

Ерларни табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар ва тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар жумласига киритиш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

72-модда. Табиатни муҳофаза қилиш мақсадларига мўлжалланган ерлар

Табиатни муҳофаза қилиш мақсадларига мўлжалланган ерлар жумласига давлат қўриқхоналарининг, мажмуа (ландшафт) бюуртма қўриқхоналарининг, табиат боғларининг, давлат табиат ёдгорликларининг, айрим табиий объектлар ҳамда мажмуаларни сақлаб қолиш, такрор қўпайтириш ва тиклаш учун мўлжалланган ҳудудларнинг, муҳофаза этиладиган ландшафтларнинг, айрим табиий ресурсларни боқариш учун мўлжалланган ҳудудларнинг, давлат биосфера резерватларининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда юридик ва жисмоний шахсларга табиатни муҳофаза қилиш мақсадлари учун берилган ерлари қиради. Мазкур ерларда уларнинг белгиланган мақсадига зид бўлган ҳар қандай фаолият тақиқланади.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга салбий таъсирнинг олдини олиш мақсадида давлат қўриқхоналари, бюуртма қўриқхоналар ва давлат табиат ёдгорликлари атрофида уларнинг режимига риоя этилишини таъминлашга зарарли таъсир этадиган ҳўжалик фаолияти ва бошқа фаолият чекланган ёки тақиқланган ҳолда муҳофаза зоналари ташкил этилади.

Табиатни муҳофаза қилиш мақсадларига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

73-модда. Соғломлаштириш мақсадларига мўлжалланган ерлар

Соғломлаштириш мақсадларига мўлжалланган ерлар жумласига касалликларнинг олдини олишни ва уларни даволашни ташкил этиш учун қулай табиий омилларга, шифобахш ҳамда соғломлаштириш хоссаларига эга бўлган, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тегишли юридик шахсларга фойдаланишга берилган ерлар қиради. Мазкур ерларда уларнинг белгиланган мақсадига зид бўлган ҳар қандай фаолият тақиқланади.

Аҳолининг даволаниши ва дам олиши учун зарур шароитларни, шунингдек табиий шифобахш ҳамда соғломлаштириш хоссалари муҳофаза қилинишини таъминлаш мақсадида соғломлаштириш мақсадларига мўлжалланган ерларда курорт табиий ҳудудларнинг режими белгиланади.

Соғломлаштириш мақсадларига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

74-модда. Рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар

Рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар жумласига туризмни ва аҳолининг оммавий дам олишини ташкил этиш учун яроқли географик ва иқлим шароитларига эга бўлган, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда юридик ва жисмоний шахсларга доимий фойдаланишга ёки ишрага берилган ерлар қиради. Мазкур ерларда уларнинг белгиланган мақсадига зид бўлган ҳар қандай фаолият тақиқланади.

Рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

75-модда. Тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар

Тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар жумласига тегишли юридик шахсларга доимий фойдаланишга берилган моддий маданий мерос объектларининг ерлари қиради. Мазкур ерларда уларнинг белгиланган мақсадига зид бўлган ҳар қандай фаолият тақиқланади.

Моддий маданий мерос объектининг ўзгартирилиши мумкин бўлмаган ўзига хос хусусиятларини ва унинг тарихий муҳитини сақлаб қолиш мақсадида унга туташ ҳудудда муҳофаза зоналари, иморатлар қуришни ва ҳўжалик фаолиятини тартибга солиш зоналари, муҳофаза этиладиган табиий ландшафт зоналар белгиланади.

Тарихий-маданий аҳамиятга молик ерларни ажратиш ва улардан фойдаланиш, уларга туташ ҳудудларда муҳофаза зоналарини, иморатлар қуришни ва ҳўжалик фаолиятини тартибга солиш зоналарини, муҳофаза этиладиган табиий ландшафт зоналари белгиллаш ва уларни муҳофаза қилиш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади»;

8) **79-модданинг биринчи қисмидаги** «алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудларнинг ерлари» деган сўзлар «табиати муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар ва тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) **86-модда биринчи қисмининг учинчи хатбошиси** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«сувни муҳофаза қилиш зоналари, қирғоқбўйи минтақалари, сув объектларининг санитария муҳофазаси зоналари, ер усти ва ер ости сувларининг ҳосил бўлиш зоналари, курорт табиий ҳудудлар зоналари, давлат биосфера резерватлари зоналари, давлат қўриқхоналари, бюуртма қўриқхоналар, давлат табиат ёдгорликлари, моддий маданий мерос объектлари, сув ташламалари, йўллар, трубопроводлар, алоқа ва электр узатиш линиялари атрофида муҳофаза зоналари белгиланиши муносабати билан уларнинг ҳуқуқлари чекланганда»;

10) **87-модданинг учинчи қисми** куйидаги мазмундаги **бешинчи хатбош** билан тўлдирилсин:

«муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ташкил этиш учун ер участкалари берилганда».

10-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 15 апрелда қабул қилинган **«Ўрмон тўғрисида»**ги 770–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 5, 122-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 536-модда; 2009 йил, № 12, 470-модда) куйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **11-модданинг иккинчи хатбошиси** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«давлат ўрмон ҳўжалиги органлари билан келишилган ҳолда юридик ва жисмоний шахсларга давлат ўрмон фонди участкаларини бериш, бундан ўрмонларнинг дарёлар, кўллар, сув омборлари ва бошқа сув объектлари соҳиллари бўйлаб ўтган тақиқланган минтақалари, ўрмонларнинг овланадиган қимматли балиқлар увилдирик сочадиган жойларни муҳофаза қилувчи тақиқланган минтақалари, сув таъминоти манбаларини санитария жиҳатидан муҳофаза қилиш зоналаридаги ўрмонлар, давлат қўриқхоналарининг, табиат боғларининг, умумдавлат аҳамиятга молик бюуртма қўриқхоналарининг, умумдавлат аҳамиятга молик курорт табиий ҳудудларнинг, давлат биосфера резерватларининг, давлатлараро муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг ўрмонлари мустасно»;

2) **15-модданинг биринчи қисми** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Белгиланган мақсади ва бажарадиган вазифаларига мувофиқ ўрмонлар куйидаги қўриқланиш тоифаларига киритилади:

ўрмонларнинг дарёлар, кўллар, сув омборлари ва бошқа сув объектлари соҳиллари бўйлаб ўтган тақиқланган минтақалари;

ўрмонларнинг овланадиган қимматли балиқлар увилдирик сочадиган жойларни муҳофаза қилувчи тақиқланган минтақалари;

эрозиядан сақлайдиган ўрмонлар; ўрмонларнинг темир йўллар ва автомобиль йўллари ёқалаб ўтган ихота минтақалари;

чўл ва чала чўл зоналарининг ўрмонлари; шаҳар ўрмонлари ва ўрмон-боғлари; шаҳарлар, бошқа аҳоли пунктлари ва sanoат марказларининг кўкалзорлаштирилган зоналари атрофидаги ўрмонлар; сув таъминоти манбаларини санитария жиҳатидан муҳофаза қилиш зоналаридаги ўрмонлар; алоҳида қимматга эга бўлган ўрмонлар; ёнғоқчилик зоналаридаги ўрмонлар; ўрмонларнинг мевали дарахтзорлари; давлат қўриқхоналарининг ўрмонлари; мажмуа (ландшафт) бюуртма қўриқхоналарининг ўрмонлари; табиат боғларининг ўрмонлари; бюуртма қўриқхоналарининг ўрмонлари; курорт табиий ҳудудларнинг ўрмонлари; давлат биосфера резерватларининг ўрмонлари; давлатлараро муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг ўрмонлари;

илмий ёки тарихий аҳамиятга эга бўлган ўрмонлар»;

3) **21-модда иккинчи қисмининг олтинчи хатбошисидаги** «алоҳида» деган сўз чиқариб ташлансин;

4) **26-модданинг тўртинчи ва бешинчи қисмлари** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўрмонларнинг темир йўллар ва автомобиль йўллари ёқалаб ўтган ихота минтақаларида, чўл ва ч

МАҚСАД – ЭЛ САЛОМАТЛИГИ

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз соғлиқни сақлаш соҳасида кенг қамровли ислохотлар амалга оширилгани тўғрисида эл саломатлигини муҳофаза этишнинг ишончли тизими яратилди. Буни Бухоро вилояти соғлиқни сақлаш муассасалари фаолияти мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

— Президентимизнинг 1998 йил 10 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш Давлат дастури тўғрисида”ги Фармони соҳа ривожини янги босқичга кўтарди, — дейди Ўзбекистон Шифокорлар уюшмаси вилоят бўлими раиси Асад Шукурлаев. — Мазкур Фармон асосида тизимда бирламчи тиббий ёрдам ислох қилинди. Жойларда ташкил этилган Шошилинч тиббий ёрдам филиаллари фаолияти давр талаблари даражасига етказилди.

Дарвоқе, ишга бундай ёндашув муваффақиятлар омили бўлмакда. 2010 йилнинг кузига пойтахтимизда ўтказилган “Йилнинг энг яхши патронаж ҳамшираси” республика кўрик-танловида мазкур КВПТ ҳамшираси Моҳидил Умидова фахрли учинчи ўринни эгаллаб, “Соғлиқни сақлаш аълочиси” кўрака нишони билан тақдирланди. 2009 йил якунига кўра эса Когон тумани “Геофизика” широклики муҳофаза этиш масаларига жиддий эътибор қаратилаётгани аниқ. Вилоят перинатал ва она-бола скрининг маркази фаолияти йўлга қўйилди.

Фармон ва ижро
ва бола-ликни муҳофаза этиш масаларига жиддий эътибор қаратилаётгани аниқ. Вилоят перинатал ва она-бола скрининг маркази фаолияти йўлга қўйилди.

врачлик пункти шифокори Д. Файзиева республика миқёсида “Энг яхши амалиёт врач” деб топилган эди. Бу каби илгор шифокорлар ва тажрибаси ўрганилган, омалаштирилган лаётгани диққатга моликдир.

Вилоят перинатал маркази ҳамда туманлардаги туғуруқ мажмуалари таъмирланиб, 1,8 миллиард сўмлик тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлангани келажак авлод саломатлигига юксак эътибор қаратилаётганидан далолатдир.

— Бирламчи тиббий-санитария тизимида ходимларнинг амалий ва назарий билимларини ошириш доимий эътиборимизда, — дейди вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг ҳамширалари иши бўйича бош мутахассиси Маъмурахон Сафоева. — Чунинчи,

Жойларда қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятининг оқилона ташкил этилгани ҳам ислохотлар самараси саналади. Ҳозир вилоят бўйича 343 та қишлоқ врачлик пункти фаолият кўрсатаётган. Улар “Саломатлик-1”, “Саломатлик-2” лойиҳалари доирасида замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. — Масканимиз нафақат туман, балки вилоятимиздаги энг намунали тиббий муассасалардан ҳисобланади, — дейди Ромитан туманидаги “Тарнаут” қишлоқ врачлик пункти мудири Дилбар Мирзаева. — Икки шифокор, 8 нафар ўрта тиббиёт ходимидан иборат жамоамиз “Энг яхши КВПТ” республика кўрик-танловининг вилоят босқичида совриндорлар сафидан ўрин олди. Бунга уч минг нафар аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатаётганимиз эвазига эришдик. Ютуқларимиз замирида Юртбошимизнинг халқ саломатлигини йўлида амалга ошираётган эзгу ишлар

ҳамширалар орасидан тайёрланган 32 нафар мураббий барча поликлиника ва қишлоқ врачлик пунктларида ишлаётган ҳамшираларнинг 4860 нафарига “Шахрлараро мулоқот”, “Гўдакни кўрақ суги билан боқиш”, “Репродуктив саломатлик ва бебаҳо оналик”, “Бемор болалар оналаридан парвариш қилиш кўникмаларини ҳосил қилиш” каби мавзуларда 275 та семинар-тренинг ташкил этиди. Ҳозир фаолият кўрсатаётган ҳамшираларимизнинг 92 нафари бакалавр даражасига эга бўлган олий маълумотли ходимлардир.

Уз касбияга меҳр қўйган ўнлаб, юзлаб шифокорлар бугун эл саломатлиги муҳофазаси йўлида астойдил меҳнат қилишапти, касб маҳоратларини оширишмоқда. Беморлар дардига дармон бўлишарди. Бу эса эл саломатлиги ишончли кўлларда эканлигининг яққол далолатидир.

Истам ИБРОҲИМОВ,
“Халқ сўзи” мухбири.

Яхши хабарлар

Янги йилни Амударё тумани ёшлари кўшалок байрам сифатида нишонлади. Сабаби, байрам кунлари бу ерда замонавий спорт мажмуаси курилиб, фойдаланишга топширилди.

Қурувчилар совғаси

Тумандаги 1-Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби тасарруфига ўтказиб берилган мазкур мажмуа “Амударё сувкурилиш” масъулияти чекланган жамиятининг тажрибали қурувчилари томонидан 181 миллион сўмлик маблағ эвазига бунёд этилди.

Х. АХМЕДОВ, “Халқ сўзи” мухбири.

Дастурхон файзи

Зарафшон шаҳридаги “Форум Зарафшон” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Жамолдин Жўрақулов сай-харақати билан 40 сотих майдонда иссиқхона қурилган эди.

Айни пайтда хорикнинг 156 минг АҚШ долларлик жиҳозлари билан таъминланган ушбу мажмуада бодринг, помидор каби неъматлар еттиштирилмоқда.

Янги йил байрами олдидан иссиқхонада еттиштирилган дастлабки ҳосил аҳоли дастурхонига тортиқ қилинди.

Х. ЭШОНҚУЛОВ,

“Халқ сўзи” мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Салтанат илк ишларида турли нақш ва шакллардан фойдаланган бўлса, кейинчалик уларни табиат манзаралари, жониворлар тасвири сингари қизиқарли элементлар билан бойитиб борди. Ранглардан моҳирона фойдаланиб тўқилган бундай гиламлар овозаси у келин бўлиб тушган Араббанди кишлоғи оша бутун Чироқчи туманига ёйилди. Буни эшитган хотин-қизлар ундан ушбу хунар сир-асрорларини ўргатишни сўраб кела бошлашди. Бу уни гиламчиликни йўлга қўйишга ундади ва 1998 йилдан юкка тартибдаги хунарманд сифатида фаолият кўрсата бошлади.

— Ўзбек гиламчилиги жуда бой тарихга эга, — дейди гиламдўз Салтанат Қўлдошева. — Ҳар бир воҳа гиламчилик мактабига эгаллиги ва шу ҳудуднинг ўзигагина хос гилам турлари мавжудлиги шундан далолат беради. Масалан, Қашқадарё вилоятида тўқиладиган гиламнинг қоқма, терма, қаттиқ, йўртма, жулхурс каби турлари бошқа вилоятлардагидан тубдан фарқ қилади. Афсуски, ўтган асрда хунармандчиликка бўлган ноқилона ёндашув гиламчиликнинг ҳам ноёб турлари йўқолишига олиб келди. Мустақиллик йилларида биз, хунармандларга бўлган эътибор ва яратилган қулай шарт-шароитлар тўғрисида уларнинг салмоқли қисмини қайта тиклашга эришдик.

Салтанат Қўлдошева аънаваный усулни ўзининг топилма ва безаклари билан бойитиб, янги хилдаги гиламларни тўқишга муваффақ бўлди. Улар нақшнинг аниқлиги, гўзаллиги ва рангларнинг уйғунлиги билан ажралиб туради. Айниқса, у рангларни танлашга ўзгача ёндашди. Унинг ишларида воҳа ёндашига хос ёрқин қатимлар ус-туворлик қилади. Яъни, асосий ранг

ЭЪТИБОР ВА РАҒБАТ – ТАРАҚҚИЁТГА КАФОЛАТ

сифатида қизил ва унинг уч хил тусидан фойдаланилади. Иккинчи даражали кўк, қора, оқ ва сариқ рангларнинг ҳам моҳирона ишлатилиши орқали ифодали тасвирлар яратилади.

Гиламдўз айна пайтда маҳсулот-лари турини 20 тага етказди. Улар орасидан, айниқса, тарихий шахслар, алломаларнинг сиймоси туширилган гиламларга талаб юқори. Буюртмаларнинг ўз вақтида ва сифатли тайёрлашида 55 нафар шогирдининг ҳам ёрдами катта бўлаётир.

— Ишимизга қўйиладиган биринчи талаб, бу — сифат, — дейди С. Қўлдошева. — Шунинг учун шогирдларимга “Ишга меҳр билан ёндашишлар, ана шунда оддий ипдан санъат асарлари яралади”, дея

дун тортиб, тайёр маҳсулот кўри-нишига келгунга қадар барча иш кўл меҳнати ёрдамида баҳариларида. Бу кишидан кунт, дид ва алоҳида маҳорат талаб этади. Шунинг



СУРАТДА: С. Қўлдошева шогирдлари билан. Бектиёр АҚРАМОВ олган сурат.

Хунарманд кейинги пайтларда жуннинг табиий рангидан фойдаланиб, кичик ҳажмдаги маҳсулотлар тайёрлашни ҳам йўлга қўйди. Ундан кўйинг сабабини сўраганимизда, қуйидагича изоҳлаб берди: — Мижозларимизнинг асосий қисмини хориклар ташкил этади. Масалан, осийликлар ёрқин рангдаги гиламларни хуш кўришса, европалликлар очик, жумладан, табиий рангдаги гиламларни сўрашади. Шулардан келиб чиқиб, янгиликка кўл урдик. Бу кўпчиликка маъқул тудди.

Салтанат Қўлдошева мамлакатимизда ташкил этилаётган турли кўрик-танловлар, халқро кўргазма ва тадбирларда ўз маҳсулотлари билан фаол катнашиб келаяпти. Унинг меҳнати Президент соврини учун ўтказилган “Ташаббус — 2010” республика кўрик-танловида муносиб баҳоланиб, фахрли учинчи ўринга лойиқ қўрилди.

— Хунармандлар меҳнатининг бундай юқори баҳоланиши касби-мизга бўлган меҳрни янада ошириб юборади, — дейди С. Қўлдошева. — Шу билан бирга, зиммамизга масъулият ҳам юклатди. Ниятим — миллий хунармандчилик маҳсулотлари тайёрлаш ҳажмини янада ошириб, ўзбек гиламларимиз шухратини жаҳон узра ёйишга муносиб ҳисса қўиши.

Саид РАҲМОНОВ,
“Халқ сўзи” мухбири.

ИЛМУ МАЪРИФАТ МАСКАНИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Кутубхонамизга ахборот-кутубхона маркази мақоми берилгач, фаолиятимиз тубдан ўзгарди. Компьютерлар, нусха кўчириш ва кўпайтириш технологиялари сотиб олинди. Бу ерда “Миллий матбуот шаҳна-фаларида” маълумотлар базаси ҳамда электрон каталог ташкил қилинди. Бу эса ўқувчиларимиз учун ҳам, ходимларимиз учун ҳам катта қулайликлар яратмоқда. Ҳуқуқий ва иқтисодий адабиётлар жамланган китоб фонди-га эга бўлган “Ҳуқуқий ахборот маркази”нинг ташкил этилиши эса ўқувчиларимиз оғирини енгил, узоғини яқин қилди.

“Ҳуқуқ” ва “Меъёр” ҳуқуқий ахборот-кидирув тизими ишлаб турибди. Шунингдек, кутубхона-миз ўз веб-сайтига эга бўлиб, унда библиогра-фия ҳамда тўла матнли илмий-оммабоп ва бадиий адабиётларнинг маълумот базаларини мавжуд.

“Турон” вилоятдаги барча ахборот-кутубхона муассасалари учун услубий марказ вазифасини ҳам ўтайди. Зиё маскани вилоятдаги олий ўқув юрталари, коллежлар, академик лицейлар ва мактаблар ахборот-ресурс марказлари билан ҳамкорликда фаолият олиб бормоқда. Қувонарлиси, 2010 йилнинг август ойида кутубхонамиз тўлиқ таъмирланган, барча қулайликларга эга бўлган янги бинога кўчиб ўтди. Бу

эса замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланган ҳолда, фаолиятимизни янада такомиллаштириш, турли мавзуларда адабий-бадиий, маърифий кечалар, давра суҳбатлари, мамлакатимизнинг таниқли киши-лари билан учрашувлар ташкил этиш имконини берди. Бугун ўқувчилари-миз 50 кишилик ўқув зали, компьютер хоналари, кутубхона тарихи музейи сингари бир қатор қулайликлардан баҳраманд бўлиш билан бирга, интернет тармоғи орқали марказ базасига юклатилган электрон адабиётлардан ҳам кенг фойдаланишлари мумкин.

Нусратилла КОМИЛОВ,
“Турон” ахборот-кутубхона маркази директори.

Яна икки кундан сўнг Қатар пойтахти Доҳада футбол бўйича Осиё кубогининг финал учрашувлари бошланади.

Кеча мураббий Вадим Абрамов бошчилигидаги Ўзбекистон миллий терма жамоаси Доҳа шаҳридаги дастлабки тайёргарлик жараёнига киришди.

ҚИЗГИН БАҲСЛАР ОЛДИДАН

Сўнгги маълумотларга қараганда, терма жамоамиз химоячиси Ярослав Крушельницкий машғуллар пайтида жароҳат олган. Мураббийлар унинг ўрнига Улуғбек Бақоевни жалб этишди. Умуман олганда, футболчиларнинг кайфиятлари аъло даражада. Ҳамюртларимиз биринчи учрашув мезбонларга қарши кечинишга қарамасдан, фақат галаба учун майдонга тушишни ният қилиб қўйишган.

Осиё кубоғига доир яна бир хабар. Осиё футбол конфедерацияси президенти Муҳаммад Бин Ҳаммам мусобақаларни бошқариб борадиган ҳакамларни юқори савияда иш-лашга чақирди.

— Бутун дунё Осиё футболга ҳакамлар фаолияти орқали ҳам баҳо беради, — деди Муҳаммад Бин Ҳаммам. — Айнан ҳакамлик масаласида ОФК ва миллий ассоциациялар жуда катта иш олиб бординлар. Қатарда бўлидиган мусобақада мухлислар ҳам бунинг гувоҳиго айлинишлари, шубҳасиз.

Шунингдек, қитъа футбол раҳбари 2010 йилнинг ёзида Жанубий Африка Республикасида ўтказилган жаҳон чемпионатида иштирок этган ва бир қатор учрашувларни муваффақият билан бошқариб қайтган ҳакамлар гуруҳига ҳам катта ишонч билдирилишини айтиб ўтди.

Н. НИЁЗОВ тайёрлади.

ОБ-ҲАВО

(5 январь)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик бўлмайди. Туман тушади. Кечаси 3-8 даража совуқ, кундузи 0-5 даража илқ бўлади.

Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари. Ёгингарчилик қутилмайди. Ҳарорат тунда 0-5 даража совуқ, кундузи 5-10 даража илқ бўлади. Туман тушади. Навоий вилоятининг шимолӣ қисмида кечаси 3-8 даража совуқ, кундузи 0-5 даража илқ бўлади.

Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик қузатилмайди. Туман тушади. Ҳарорат тунда 0-5 даража совуқ, кундузи 4-9 даража илқ бўлади.

Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари. Ёгингарчилик бўлмайди. Туман тушади. Кечаси 0-5 даража совуқ, кундузи 7-12 даража илқ бўлади. **Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик қузатилмайди. Туман тушади. Тунда 2-7 даража совуқ, кундузи 2-7 даража илқ бўлади.

Тошкент шаҳри. Ёгингарчилик қузатилмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушиши мумкин. Ҳарорат тунда 3-5 даража совуқ, кундузи 4-6 даража илқ бўлади.

«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАРНИ ТАРБИЯЛАШ

юксак марраларни забт этиш имконини беради

Жумладан, футбол жамоаларининг моддий-техник базасини кўчатириш, уларни иқтидорли ёш футболчилар билан тўлдириб бериш масаласи устувор аҳамият касб этди. Қувонарлиси, мазкур тадбирлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Демак, энди ҳамма гап ана шу имкониятлардан унумли фойдалана олишда қолди.

2009 йилги мавсумда “Хоразм” футбол жамоаси бир неча йиллик танаффусдан сўнг Ўзбекистон чемпионатининг олий лигасига қайтган эди. Вилоятда футбол мухлиси борки, бундан жуда қувонди. Хоразмликларнинг олий лигадаги дебюти омадли келди. 30 ўйнда 37 очко жамгарган жамоа мусобақа жадвалининг ўнинчи поғонасини эгаллади. Кўпчи-

лик навбатдаги мавсумда воҳа вакиллари янада фаолроқ ўйин кўрсатишини, ҳатто, совринли ўринларни қўлга киритишини тахмин қилганди. Аммо 2010 йилдаги натижалар бунинг аксини кўрсатди. Аниқроқ айтганда, воҳалик футболчилар мавсум давомида ўтказилган 26 та ўйиндан атғи 2 тасида галаба қозонди, холос. 7 тасида дуранг натижа кайд этилди, 17 та ўйинда имконият бой берилди. Хуллас, жамоа 13 очко жамгарган ҳолда олий лигадаги ўйинларига яқун ясади. Ҳўш, бунинг сабаблари нимдада?

— Жамоага мавсум олди ўқув-машғулот йиғинларини талаб даражасида ўтказиш учун барча шарт-шароит ва имкониятлар яратиб берилганди, — дейди Ўзбекистонда футболни қўллаб-қувват-

лаш жамғармаси Хоразм филиали директори Азамат Йўлдошев. — Молиявий тарафдан ҳам ҳеч қандай муаммо бўлмади. Пойтахтда бошқа жамоалар билан нозорат учрашувлари ташкил этилди.

Тўри, барчаси рисоладагидек эди. Мавсум арафасида Урганча йиғирма нафарга яқин янги футболчилар тақлиф қилинди. Улар

га икки-уч кун қолгандагина қабул қилдик. Шу тариқа, жамоамиз шакллантиришда хатоликларга йўл қўйдик. “Хоразм”га қабул қилинган ёш катта “юлдуз”ларга ишонган эдик. Улар эса ишонч-ни оқлашмади.

Айтиш жоизки, мураббийлар жамоага жалб қилинаётган ҳар бир футболчиларни обдан ўрганиш-

нинг бошида ўз майдонида “Кизилкум” устидан 3:1 ҳисобида галаба қозонди. Ниҳат, орзиқиб қутулган биринчи ютук қўлга киритилганди. Мухлислар назарида ишлар ижобий томонга ўзгараётган кўринди. Афсуски, бу хурсандчилик узоққа қўзилмади. Натижада Баҳром Ҳакимовга ҳам “руҳсат” берил-

ди. Вали Султонов яна ўз ўрнига қайтарилди.

— Футболимизда юқоридаги каби камчиликлар ҳақида гап кетса, доимо шу йўналишдаги мактаб-интернатлар спорт коллежларида иқтидорли ёшлар тайёрлан-маптими, деган масала ўртага ташланади, — дейди Урганч Олимпия захиралари коллежининг футбол бўйича катта мураббийси

ди. Вали Султонов яна ўз ўрнига қайтарилди.

Хоразмда ўз жамоаларининг катта майдонларда жавлон уришини чин юракдан истайдиган, футболимизнинг тақдирига беварқ бўлмаган ишқибозлар жуда кўп. Улар стадионларни тўлдириб ўтиришни, гол бўлидиган ҳаяжонли дамларни соғиниб қолишди. “Хоразм” футбол жамоаси ишқибозлар олдидидаги ўз масъулиятини чуқурроқ ҳис қилса, вилоятда миллионлар ўйинининг ривожига, обрўсига хис қилсанини қўйса, айна муддао бўларди.

Ойбек РАҲИМОВ,
“Халқ сўзи” мухбири.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 103. 73619 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нарҳда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Тахририятга келган кўлемлар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Тижорат материали

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов. Навбатчи муҳаррир — А. Қўтбидинов. Навбатчи — Ф. Абилов. Мусахҳиҳ — С. Исмоилов.

«ХАЛҚ СЎЗИ»

ЭЪЛОНЛАР
КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача

232-11-15,
236-09-25.

E-mail: reklama@xs.uz

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.15 Топширилди — 23.15 1 2 3 4 5